

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
MUQIMIY NOMIDAGI QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI



O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI FAKULTETI

**“FILOLOGIYANING DOLZARB
MASALALARI”**

mavzusidagi

RESPUBLIKA ILMIY-USLUBIY ANJUMANI

MATERIALLARI

(2020-yil 25-aprel)

2-kitob

QO'QON-2020

**“Filologiyaning dolzarb masalalari” mavzusidagi respublika ilmiy-uslubiy
anjumani materiallari to‘plami**

Mas’ul muharrir:

ATADJANOV M.Y. – Qo‘qon davlat pedagogika instituti rektori

Tahrir hay’ati:

**XODJAYEVA D.SH. – ilmiy va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, filologiya
fanlari nomzodi, dotsent**

**QOBILOVA Z.B. – o‘zbek tili va adabiyoti fakulteti dekani, filologiya fanlari
nomzodi, dotsent**

**AKRAMOV SH.T. – o‘zbek tili kafedrasi mudiri, filologiya fanlari nomzodi,
dotsent**

ABDURAHMONOVA B.M. – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

HASANOV A.A. – filologiya fanlari nomzodi, dotsent

USMONOVA S.A. – o‘zbek tili kafedrasi o‘qituvchisi

To‘plovchilar:

HASANOVA B. – filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

HASANOVA D. – filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Nashrga tayyorlovchi:

SOLIYEVA O. – o‘zbek adabiyoti kafedrasi doktoranti

Taqrizchilar:

ISKANDAROVA SH. – filologiya fanlari doktori, professor

BOZOROV O. – filologiya fanlari doktori, professor v.b.

**To‘plam Qo‘qon davlat pedagogika instituti ilmiy Kengashining aprel
oyidagi navbatdan tashqari yig‘ilish bayoni bilan nashrga tavsiya etilgan.**

Eslatma: *To‘plamga kiritilgan maqolalar shakli va mazmuniga shaxsan
mualliflarning o‘zlari javobgardirlar.*

НАВОИЙ ВА ОГАҲИЙ ЛИРИКАСИДАГИ МАВЗУ ВА ҒОЯ УЙҒУНЛИГИ

Юлдашев Салоҳиддин Азамович,
Қўқон Университети
Бизнес кафедраси ўқитувчиси

Мухаммас боғлаш ўзбек адабиёти тарихида анча ижобий мавқега эга бўлган. Мухаммас шоир ижодий доирасининг кенгайишига, ўтмишдаги шоирларнинг ижоди билан қизиқишнинг ошишига, улар қолдирган ижобий анъаналарни эгаллашга ва уларнинг поэтик, фикрий кашфиётларини кейинги авлодларга етказишга хизмат қилган.

Ўзбек шоирлари кўшни қардош форс-тожик, озарбайжон халқлари шоирларнинг айрим ғазалларига ҳам мухаммас боғлаганлар. Шу йўсинда қардош халқлар адабиётини ўрганиш ва уларнинг гўзал намуналарини ўз халқига етказишда мухаммас муҳим восита бўлган. Масалан, Огаҳий мухаммаслари ичида унинг замондошлари, Хоразмлик Мунис, Диловар, Феруз, Рожийлардан бошқа, Хоразмдан ташқарида яшаган Амир, Ғозийларнинг ғазалларига боғланган мухаммасларини кўрамиз. Огаҳий меросида қардош Озарбайжон халқининг атоқли шоири Фузулий ғазалларига боғланган мухаммаслар учрайди, умуман Огаҳий ижодига Фузулий таъсири кучли бўлгани сезилиб туради.

Огаҳийнинг 83 та мухаммасидан 30 таси Навоий ғазалларига боғланган. Бу Огаҳийнинг Навоийга нисбатан чуқур хурматини кўрсатади. Бу хурмат Навоий лирикасидаги инсоний ғоялар, шоирнинг тубсиз фикр хазинаси, улуғ маҳорати Огаҳий қалбига, дид, мақсадларига яқин бўлганлиги туфайлидир. Навоий ғазалларига мухаммас боғлаш билан Огаҳий Навоий ижодида куйланган улуғ мақсадларни ўзи яшаган давр, жамиятдаги кенг халқ оммасига етказишни, ўз халқини шу олижаноб мақсадлар асосида тарбиялашни кўзда тутди.

Навоийга мухаммас боғлаш анча жиддий, масъулиятли иш. Чунки Навоийга мухаммас боғлаган шоир Навоий ғазалларига кўшган ўз сатрларида Навоий даражасида фикр, мазмун чуқурлигига эриша олмоғи, тасвир воситаларида ҳам улуғ маҳорат эгаси бўлиши керак, акс ҳолда шоир ўзини анча ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Шу туфайли мухаммас боғлаш орқали шоирлар ўз кучини синаб кўрган, гўё мусобақа қилган. Шуни таъкидлаш керакки, Огаҳий Навоийга боғлаган мухаммасларида бу жиддий вазифани муваффақиятли бажара олган. Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик:

Огаҳий:

*Фақр элига қулбаси мулки жаҳондин яхшиким,
Онда эски бўрё тахти каёндин яхшиким,
Тинчлиқ бирла атола нўши жондин яхшиким.*

Навоий:

Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким,

Оби ҳайвон шарбатин нокомлиг жоми била.

Навоийнинг бу ғазали умумий мазмунида озодликни куйлаш ётади, унинг ҳар бир байтида озодлик, бағрикенглик тушунчаси билан боғлиқ фикрлар ва киши эркини буғувчи, туйғуларини ўтмаслаштирувчи ҳодисалар тадрижий баён этила боради. Шунга кўра, ғазалнинг асосий мақсад-ғояси бир бўлса-да, ҳодиса босқич шу ҳодисанинг айрим пайтларини гавдалантириш нуқтаи назаридан байтларда маълум мустақиллик мавжуд. Мухаммас бандлари ғазал байтига қараганда кўп, беш мисрадан иборат бўлганидан, уларда аниқ ҳодисани ифодалашдаги мустақиллик бир оз кенгрок бўлади. Шунга биноан, мухаммасда боғланган мисралар ғазал байтидаги фикрларга жўр бўлиш керак. Келтирилган парчада Огаҳий мисраларининг Навоийнинг шу байтдаги фикрларини қувватлаб, уларнинг мазмунига боғланиб келгани кўриниб турибди. Вазнлар, қофияларнинг равлониғи яққол.

Аммо бу ерда ўхшатишда бир нозик ўрин бор, бу-Навоийнинг: “Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким”, деган мисрасида ифодаланган. Бу мисрада ўз ихтиёри билан ичилган заҳар ихтиёрсиз ичилган шарбатдан афзаллиғи ифодаланган: аччиқ-ширин (икки қарама-қарши ҳол) таққоси озодликнинг қанчалик ширин эканлиғи туйғусини ёркин ифодалаш учун қўлланилган. Огаҳийнинг бошқа мисраларида ҳам худди шу равишда фақирлик-бойлик, эски бурё-тахти қаён, атала-азиз таом қаби қарама-қарши ҳодисалар ўхшатиш бўлиб келади.

Шакл хусусида яна бир муҳим нарсани қайд қилиш лозим: Навоийнинг биринчи байтидаги “Ондин” қофиясида унли унсиз товушлар шундай ажойиб тузилганки, талаффузда бу сўз маълум пауза-танаффусли ва кўтариб айтишни талаб қилади. Бу вазнга алоҳида равлонлиқ, жаранглилик бахш этган. Огаҳий буни ҳам эътибордан четда қолдирмаган, унинг “жаҳондин”, “қаёндин”, “жондин” қофиялари ҳам худди шу тарзда тузилган. Шунингдек, ҳар мисрадаги “яхшиким” радиғи вазндағи равлонлиқни, маънони ва руҳни яққол ифодалаш, очишда ўринли қўлланилган. Мухаммаснинг кейинги банди:

Навоий:

*Қушга юнг маскан аро хушироқдурур озодлик,
Бўлгонидин банд аро сайёд ипак доми билан.*

Огаҳий:

*Ҳар кишиким фақр тиридин эрур ириодлиқ,
Гўшаи ичра ирик мошоб ила муътодлик,
Етмагай ҳарғиз анга шаҳ хилъатидин шодлиқ.*

Навоийнинг байтидағи қуш учун ипак тузокдан жун ичида яшаса ҳам, озодлик афзаллиғи фикри орқали умуман озодлик, шу жумладан, киши эркинлиғи ғояси ифодаланади. Огаҳийда ҳам ғариб, фақир, аммо ҳақ, тўғри йўлда юрган киши учун шоҳона кийим хурсандлик бахш этмаслиғи тарзида Навоий фикрлари қувватланади. Ҳатто, Навоийда символик тарзда ифодаланган озодлик ҳақидағи фикр Огаҳийда бевосита киши озодлиғи туйғуси сифатида ифодаланади. Бу ерда ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ,

чунки мухаммасда асосий фикрни чуқурлатиш, кенгайтириш фақат фазилат ҳисобланади. Кейинги банд ҳам худди шу тарзда ижтимоий мазмунни кенгайтириш, ёритиш мақсадида тузилган:

*Аҳли дунёким эрурлар одамилиқдин йироқ,
Пешаси озору миннат, одати кину нифоқ,
Ҳушинг ўлса бу сўзимга сидқ ила тутгин қулоқ,
Бўлмоқ итлар мунъими тан туъма айлаб яхшироқ,
Танни қилгунча семиз нокаслар инъоми билан.*

Тамағўйлик, инъом-эҳсон киши кадр-қимматини ерга уради. Шу сабабдан Навоий байтида тамағўйлик инсонийликка раҳна солувчи нарсасифатида баён этилади. Навоий ўз кадрини ерга уриб, нокаслар садақасини ёб семиргандан кўра, ўз нафсингни қўлга олиб, қаноат билан яшашни фазилат деб таърифлайди. Огаҳий томонидан қўшилган мисраларда Навоийнинг “нокаслар” сўзи “одамийликдан йироқ” бўлган аҳли дунё, яъни мол-дунёли кишилар сифатида изоҳланиб, шеър яна чуқур ижтимоий мазмун, аниқлик тусини олади. Демак, бу бандда ҳам Огаҳий мухаммас талаб қилган доирада фикрларни аниқлаштириш, Навоий байтида кўзда тутилган ижтимоий мазмунни равшанлаштириш йўлидан боради, фикрларни тўлдиради.

Нихоят мухаммаснинг охирги банди:

Навоий:

*Эй Навоий, ҳузн ила ўткир қарилиғ меҳнатин,
Ким йигитлик борди айшу шират айёми била.*

Огаҳий:

*Ораз ўлди зард тарк эт гулжабинлар суҳбатин,
Қомат ўлди ҳам, унутгил сарвқадлар қоматин,
Огаҳийдек тинмайин ахтарма дунё ширатин.*

Бу байтда Навоий айши-ишрат ёшлик-йигитлик чоғи учун ўринли, деган фикрни билдиради. Огаҳий ҳам шу фикрни кенгайтиради. Яна бир деталь: Навоий ўз таҳаллусини байт бошида қўйган, Огаҳий ҳам шунга риоя қилиб, таҳаллусини мисра бошида келтиради. Ҳолбуки, одат бўйича шоир ўз таҳаллусини кейинги байтнинг ҳар жойида қўйиши мумкин.

Огаҳий Навоийнинг бошқа ғазалига боғлаган мухаммасидан яна бир мисол кўрайлик:

*Эй кўнгул, бўлсанг агар ҳушу хираддин баҳри ёб,
Чархдин кўз тутма бўлмоқ даҳр аро иззат маоб,
Ногаҳон айлаб санго бир меҳр қилмоқ иртиқоб,
Сочса анжумдин фалак бошина юз минг дурри ноб,
Жолаи ғам билки ёғдурсай бир офатлиғ саҳоб.*

*Йўқ ҳадаф бу жолага аҳли жаҳондин ўзгаким,
Еткач ўқ мажруҳ қилмас жисму жондин ўзгаким,
Ёҳмоқидин суд йўқ элга зиёндин ўзгаким,
Не гараз бу толани ёғдурса ондин ўзгаким,
Умр наҳли синдуруб тан гулбунин қилгай хароб.*

Келтирилган бандларда фикрлар бир-бирига шу қадар боғланганки, уларнинг бошқа-бошқа муаллифларники эканлиги мутлақо сезилмайди; Огаҳий мисралари ходиса, фикрни изоҳ қилса, тафсилот берса, Навоий мисралари бу фикр, ходисалар оқибати, хотимаси бўлиб келади.

Келтирилган ҳар икки мухаммасда ҳам жамият, дунё ҳақида жуда муҳим ижтимоий масалалар ҳақида сўз боради. Огаҳийнинг Навоий ғазалларига боғлаган бошқа кўп мухаммаслари шундай муҳим мавзуларга бағишланган. Шунинг ўзиёқ Огаҳий Навоийга ғоявий жиҳатдан яқин, Навоий илгари сурган инсоний фазилатларни тарғиб қилувчи, улар мутафаккир ишини давом эттирувчи ижодкор эканини кўрсатади. Шунингдек, у Навоийга мухаммас боғлаш орқали буюк шоир нуфузидан ўз эзгу мақсадлари йўлида фойдаланади. Уларда ҳақиқат, адолат учун, киши бахт-саодати учун икки олижаноб инсон биргалашиб овоз бераётгандек, асрларга сўзлаётгандек бўлади.

Фикр туйғу ифодаларининг қўшилиб, уйғунлашиб кетганлигини куйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин:

*Фалакким яхшилар базмида қадримни баланд этмас,
Дами йўқким, ёмонлар мажмаида мустаманд эмас,
Бу ҳасратдин кўзим ашк йўлини бир лаҳза банд этмас,
Мани ман истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.
Фигонким, даҳри дун ичра рафиқе топмадим огаҳ,
Қаён борсам бўлурлар гул ваишлар ҳамдаму ҳамроҳ,
Тиларлар баҳра мандин, ман тилаб топмон биридин раҳ,
Не баҳра топмамен ондинки, мандин истагай баҳраҳ,
Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас, мани ҳам баҳраманд этмас.*

Бу парчаларда давр, жамиятдаги ахлоқ чуқур ҳаққоний берилган. Ўз халқини севган, унинг бахт-саодатини ўйлаган икки олижаноб инсон, бевафолик, меҳнат, ғами туфайли ҳаёти кемтик бўлиб қолган инсон аҳволини чуқур, таъсирли баён этади. Бу сатрларда ҳар икки шоирнинг туйғулари, инсон аҳволига ачиниш садолари ниҳоят даражада бир-бири билан уйғун. Фикр, туйғулар бу хилда ҳамоҳанг бўлишига, бу тарзда ажойиб ифодаланишига ҳеч қандай машқ, ҳаракат билан эришиб бўлмайди. Бундай фикр, туйғулар фақат бошдан кечирилган бўлади, ҳаёт сабоғи натижаси ўлароқ вужудга келади. Ҳар иккала шоир яшаган жамият ҳаёти бир-бирига ўхшаш бўлгани, унга муносабатда ҳар иккала шоир бир хилдалиги, бир мақсад-инсон манфаатларини ёқлагани туфайли бу туйғу кечинмаларда ўхшашлик ифода қилишда шундай ажойиб бирлик майдонга келган. Огаҳий мухаммасларида бундай мисраларни кўплаб учратиш мумкин. Навоийга боғлаган мухаммасларида ҳам Огаҳий ўзининг ҳам мазмун, ҳам санъат жиҳатидан устозининг қобилятли, мохир шогирди эканлигини кўрсатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуғафуров А. Муҳаммад Ризо Огаҳий. Т.: Мерос, 1999.

2. Абдуллаев Х. Огаҳий абадиёти. Ал-Хоразмий номли Урганч давлат университети. Хоразм маъмун академияси. Т.: 1999.
3. Баёний Муҳаммад Юсуф. Шажараи Хоразмшоҳий. Мерос туркуми. Т.: Камалак, 1991. - Б. 175-265.
4. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. Т.: 2008.
5. Зоҳидов В. Огаҳий. Ўзбек адабиёти тарихидан. Т.: Ўзадабийнашр, 1961.
6. Исмоилов И. Огаҳий форсий меросининг жанрий таркиби. Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2009, №6, 27-28-бетлар.
7. Комилов Н. Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати. Т.: 1970.
8. Матёкубова Т. Огаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини. ф.ф.н. диссертация автореферат. Т.: 2001.
9. Матёкубова М. Огаҳий лирикасида кичик жанрлар. Ф.ф.н. диссертация автореферат. Т.: 2000.
10. Назирова Ш. Огаҳий ижодига янгича бир назар. Т.: Университет, 2010.

“ТУЛЗОР ҚИШЛОҒИНИНГ ГУЛДУРАКЛАРИ” ҚИССАСИДА УСЛУБИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК

**Туропова Паризод,
ЖДПИ ўқитувчиси**

Бугунги кунда бадиий адабиётда ифода усуллари ҳамда воқеликни тасвирлаш услубларида ҳам ўзига хос янгиланишлар рўй бермоқда. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси ҳақида сўз кетар экан, “...асарнинг шакл ва мазмунига доир барча узвлар икки нарсда тажассум топади. Булар: а) муаллиф шахси; б) бадиий асар услубидан иборат. Услубнинг умумий ва хусусий жиҳатларини билдирувчи, услубнинг шаклланиши ва тақомилига хизмат қилувчи барча бошқа унсурлар шу икки тушунчада бирлашади. Мана шу икки тушунча синтезлашган нуқтада ҳақиқий санъат асари майдонга келади”¹⁶⁹ – деган, адабиётшунос олим фикрлари айни ҳақиқатдир. Демак, ҳар бир ёзувчининг услубий ўзига хослиги шаклланиши натижасида бетакрор бадиий асарлар дунёга келар экан, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, “Тулзор қишлоғининг гулдураклари”ни шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.

Маълумки, услубий ўзига хослиkning шаклланишида реал ҳаётнинг ҳаққоний манзараси таъсири кучли бўлади. “Тулзор қишлоғининг гулдураклари” қиссаси қаҳрамони, оддий халқ орасидан чиққан Мусажоннинг бошидан ўтказган ҳаётий воқеалар тасвирига бағишланган. Тирикчилик ғамида ўзини турли томонларга уриб, қора қозонни илми–амал қилиб ўтказишга ҳаракат қилаётган Мусажон дўсти Гулмурод билан “рангли металл вируси”¹⁷⁰ билан касаллангани ва алал .– оқибат бошиларига тушган кўпгина кўргиликлар, адиба томонидан асарда маҳорат билан тасвирланади.

¹⁶⁹Xoldarov D. Hozirgi o'zbek qissalarida badiiy uslub muammosi. (SHoyim Bo'taev va Nazar Eshonqul qissalari misolida) Filol. fan.nom.diss. avt.– Toshkent, 2017.–B.3.–4.

¹⁷⁰Abdurahmonova M. Gulzor qishlog'ining gulduraklari..–T.: O'zbekiston, 2018.–B.6. (Bundan kuyingi iqtiboslar shu nashrdan olinadi va beti qavs ichida ko'rsatiladi)

МУНДАРИЖА

1. O‘rozboyev A. “AXLOQU-L-MUHSINIY” MUHAMMAD RIZO OG‘AHİY TARJIMASIDA	3
2. Axmedova Sh., Xudoyqulova M. MAHMUDXO‘JA BEHBUDIY VA JADID ADABIY TANQIDI.....	8
3. Doniyarova Sh. SHOYIM BO‘TAYEV IJODIDA MIFIK TAFAKKUR TALQINI.....	10
4. Siddiqov M. MAXTUMQULI MA‘RIFATI.....	16
5. Тожибоева М. ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДА ШАЙТОН ТИМСОЛИ АНЪАНАСИ.....	20
6. Sattorova G. ADABIY DO‘STLIK OBIDASINI.....	23
7. O‘rozboyev A., Gulmanov M QADIMIY NOYOB QO‘LYOZMA VA MANBALAR RAQAMLASHTIRILGAN KUTUBXONASINI YARATISH – SOHA TARAQQIYOTIDA MUHIM QADAM.....	27
8. Qo‘chqorova M. “MAYMUN YETAKLAGAN O‘DAM” HIKOYASI: ABSURD VAZIYAT VA ABSURD QAHRAMON TAHLILI.....	30
9. Axmedova A.K. BADIY TARJIMA QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK OB‘EKTI SIFATIDA.....	34
10. Hoshimova M.M. VATAN VA SHODLIK KUYCHISI.....	37
11. Karimov O. DANTENING “ILOHIY KOMEDIYA” ASARI SHUHRATI.....	41
12. Mamadaliyeva Z. ISKANDARNOMALARDA BOSH QAHRAMON TALQINI.....	44
13. Qobilova Z.B. O‘ZBEK VA FORS-TO‘JIK ADABIY ALOQALARI (Amiriy va Soyib she‘riyati misolid).....	48
14. Ражабова М.Б. АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА КЎЗГУ ОБРАЗИНИНГ ХАЛҚОНА АСОСЛАРИ.....	52
15. Zohidova D.L. NAVOIYNING SHOHG‘ARIB MIRZOGA NASIHATNOMASI.....	55
16. Салимова Д. ОЙБЕК ВА ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРЛАРИДА ПОЭТИК МАҲОРАТНИНГ РУС ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАРИДА ҚАЙТА МУЖАССАМЛАНИШИ.....	59
17. Ҳасанова Б. КИЧИК ЖАНРДАГИ КАТТА ОБРАЗЛАР.....	63
18. Эшонкулова С. НОДИРА ИЖОДИДА ЖАМШИД ОБРАЗИ ТАСВИРИ.....	68
19. Қобилова З., Ўрмонжонова Ж. ЗУҲДУ ТОАТ ШАҲДИНИ АҲЛИ ЗАМОН КЎРМАС ЛАЗИЗ.....	71
20. Қурбонова Ф. “ШАЙХ САНЪОН” ДРАМАСИДА АНЪАНА ВА ИНДИВИДУАЛЛИК.....	74
21. Амонова З.Қ., Ахророва З.Р. “ҲАЙРАТУЛ АБРОР”ДАГИ “АВВАЛҒИ ҲАЙРАТ” ТАЛҚИНИ.....	78

22.	Соатова Н., Исроилов Ғ. САККОКИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИЛИШИ ҲАҚИДА.....	80
23.	Karimova F., Islomova N. KECCHIRIMLILIK – HIMMAT BELGISI.....	85
24.	Qobilova Z., Abdullaeva Sh. HOZIRGI O'ZBEK POEMACHILIGIDA TARIXIY SHAXSLAR OBRAZI.....	87
25.	Эшанова З.Қ., Абдурахимова К., ФАРИДА АФРЎЗ ИЖОДИДА МУРАККАБ ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР.....	89
26.	Саидакбарова М. НАВОИЙ ИЖОДИДА ДАВЛАТЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	93
27.	Жабборова М. ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА ЖАМШИД ОБРАЗИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ.....	95
28.	Мелибоева М. ЎҒУЗ ХОҚОН АФСОНАСИ.....	98
29.	Каримов О., Раҳмонова М., Турсунова А. ИСҲОҚХОН ИБРАТНИНГ СЕРҚИРРА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ.....	100
30.	Эшматова Ю. ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ҚИССА ЖАНРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	104
31.	Қурбонова Ф. “БИБИ САЛИМА” ҲИКОЯСИ БАДИИЯТИ.....	109
32.	Djo'rayev M. BIR G'AZALGA TAXMIS VA TAXMISGA TATABBU'.....	111
33.	Холматова Н. ЭРКИН АЪЗАМНИНГ “ОКЕАН ОРТИДАГИ ТАБАССУМ” МАҚОЛАСИДА ФАКТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	115
34.	Иззатиллаев П. КОХИ ГУЛИСТОН (САЛТАНАТИ) КУТУБХОНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН АМИР АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ (ЭРОН).....	116
35.	Абдуллаева Н. АНГЛИЯ ВА АМЕРИКА АДАБИЁТИДА “УНИВЕРСИТЕТ РОМАН”НИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНДА ТАЛАБА ОБРАЗИНИНГ РОЛИ.....	119
36.	Урунова С.Ш. XX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА АҚШ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТЛАРИДА АЁЛЛАР ОБРАЗЛАРИ (А.ҚОДИРИЙ ВАТ.ДРАЙЗЕР АСАРЛАРИ МИСОЛИДА).....	121
37.	Мадиримова С. МУТРИБ ХОНАХАРОБ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-МАТНИЙ ТАДҚИҚИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	124
38.	Soliyeva O. NISHOTIY ASARLARIDA KOMPARATIVISTIKA.....	128
39.	Юлдашев С. НАВОИЙ ВА ОҒАҲИЙ ЛИРИКАСИДАГИ МАВЗУ ВА ҒОЯ УЙҒУНЛИГИ.....	131
40.	Туропова П. “ГУЛЗОР ҚИШЛОҒИНИНГ ГУЛДУРАКЛАРИ” ҚИССАСИДА УСЛУБИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК.....	135
41.	Махаммадиева Ю. ФЕРУЗ ҒАЗАЛЛАРИДА ОБРАЗЛАР ТАСНИФИ.....	142

42.	Саидакбарова М. Ўрмонжонова Ж.АМИРИЙ ВА УНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ.....	147
43.	Pardayeva N.Q. ANBAR OTIN LIRIKASIDA DIDAKTIKA.....	148
44.	Qudratova M. OLIM SHARAFIDDINOV – NAVOIYSHUNOS.....	151
45.	Qurbonova O. QISSADA SHAYTON OBRAZI TALQINI.....	155
46.	Salohiddinova N. BADIY ADABIYOTDA OLAMNI POETIK AKS ETTIRISH MASALASI.....	160
47.	Ahmedova Sh. OMON MATJON IJODIDA FALSAFIYLIK.....	163
48.	Эрманбетова Ш. ҲАБИБ САЪДУЛЛА ШЕЪРИЯТИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ.....	166
49.	Ahmadaliyev L. BIR BAYT SHARHI.....	168
50.	Asqarov D. AMIRIY LIRIKASIDA MUXAMMAS JANRI.....	169
51.	Madzimova M. “OVUL ORALAGAN BO’RI” QISSASIDA HAYVONLAR OBRAZINING ROLI.....	172
52.	Saidova R. ADABIY ERTAKLARNING BOLALAR RUHIYATIGA TA’SIRI (XUDOYBERDI TO‘XTABOYEV ADABIY ERTAKLARI MISOLIDA).....	175
53.	Nazarova D. UVAYSIY QALBI ILA OLAMGA NAZAR.....	178
54.	Мустафоев А. А. НАВОИЙНИНГ “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИДА ҚУРЪОНИЙ ОЯТЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ.....	181
55.	G’afforov O. ULUG’BEK HAMDAM HIKOYALARI POETIKASI (“Bir piyola suv” hikoyasi misolida).....	184
56.	Исомиддинов С., Эшонкулова С. “ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО” – ИБРАТОМУЗ ДУРДОҲА АСАР.....	187
57.	Asqarov D. BIR TAXMIS XUSUSIDA.....	190
58.	Akramova L. BADIY ASAR TAHLILI TAJRIBASIDAN.....	193
59.	Alloqov F.B., Yaxshiqulova M. T. ATASVIRMI YOKI TIMSOL? MUHAMMAD YUSUF IJODIDA KAPALAK OBRAZI.....	196
60.	Berdiyeva D.T., Yaxshiqulova M.T. JADIDCHILIK HARAKATI: MAHMUDXO’JA BEHBUDIY VA MATBUOT.....	199
61.	Ibragimova S. “QUTADG’U BILIG”DAGI TO’RTLIKLAR XUSUSIDA.....	201
62.	Qodirov A. HALIMA AHMEDOVA SHERIYATIDAGI AN’ANAVIYLIK.....	204
63.	Numonov N. TASAVVUFDA “AGIONIM” ISTILOHI.....	206
64.	Murodova G. AHMAD YASSAVIY HIKMATLARIDA TALMEH SAN’ATINING QO’LLANILISHI.....	208

65. Mehmonaliyeva O. HOZIRGI O'ZBEK NASRIDA ONA OBRAZI (Isajon Sulton asarlari misolida).....	209
66. Numonov N. ABDULLA ORIPOV – TARIXGA AYLANGAN SHAXS.....	213
67. Eshonqulova N. ISAJON SULTON USLUBINING O'ZIGA XOSLIGI.....	215
68. Qodirjonova N. “MAKR VA MUHABBAT” DRAMASIDA OBRAZLAR TALQINI.....	216
69. Otarbaeva F. SAĞÍNDÍQ NIETULLAEVTÍN POEZIYASÍNDÁ ÓZ ÓMIRINÍN SÁWLELENIWI.....	218
70. Teshaboyeva Z.V. FALSAFIY HIKOYALAR TALQINI (ISAJON SULTONNING “TODD” HIKOYASI MISOLIDA).....	221
71. Oribjonova M. BOBUR RUBOIYLARIDA BADIY MAHORAT.....	223
72. Habibjonov I. “QUTADG‘U BILIG” – IKKI JAHONNI TUTISHGA OCHUVCHI YO‘L.....	225
73. Qo'ysinaliyeva M. ALISHER NAVOIYNING HAMD G‘AZALLARI POETIKASI.....	230
74. Ўсарова М., Гиёсиддинов Ҳ. ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ЎРДАСИДАГИ ЁЗУВЛАР.....	235
75. Собирова М. ТАСАВБУФ - ХОЛИСЛИК ВА КОМИЛЛИК ТАЪЛИМОТИ.....	237
76. Yaxyoyev Fayzullo Muhammadsoli. ALISHER NAVOIY “XAMSA” SI TO‘XTASIN JALOLOV TALQINIDA.....	238

O'ZBEK ADABIYOTI O'QITISH METODIKASI MASALALARI

1. Ernazarova G., Islamova M. TA'LIMDA ZAMONAVIY KLASSTER TIZIMI.....	242
2. Жамолитдинов М. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИ ЎРГАНИШДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	245
3. Abdurahmonova B.M. O'QUVCHILARNI DRAMATIK ASARLAR MATNI USTUDA ISHLASHGA O'RGATISHDA DIOGLOGLARNING O'RNI.....	247
4. Qobilova Z., Qobilova E. «DEYIN» NING DEGULIK SIFATLARI.....	250
5. Qosimov U. ADABIYOT DARSЛИKLARI VA KITOBXONLIK MUAMMOLARI.....	255
6. Raxmanova M. BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING TAFAKKUR XUSUSIYATLARI.....	259
7. Karimov O. OLIY TA'LIM TIZIMIDA DARSЛИKLARNING YANGI AVLODI.....	262

8. Abdurahmonova B., Ahmadaliyev L. “QUTADG’U BILIG” DAGI ARABIY SO’ZLAR USTIDA ISHLASH.....	266
9. Эшанова З. Махмудова Д. ИҚБОЛ МИРЗО ЛИРИКАСИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАРИ.....	268
10. Якубова М., Кадирова Х., Курбанова М. КРЕАТИВ ПЕДАГОГИКА АСОСИДА ИЖОДКОР ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	272
11. Mamajonova U. BOSHLANG’ICH SINFI FILOLOGIYA DARSLIKLARIGA BIR NAZAR (1-sinf o’qish darsligi misolida).....	273
12. Abdurahmonova N. Egamova R. BOSHLANG’ICH SINFLARDA O’QUVCHILARNI IFODALI O’QISHGA O’RGATISH-ADABIY TA’LIM UCHUN YOYDEVOR.....	277
13. Qurbonova H. TA’LIMDAGI UZVIYLIK VA UZLUKSIZLIK.....	280
14. Bobojonova S. ADABIY TA’LIMDA MUMTOZ ADABIYOT NAMUNALARINI O’RGANISHDA KO’RGAZMALILIKDAN FOYDALANISH.....	283
15. Jo’rayeva G. A.QODIRIYNING “ULOQDA” HIKOYASI MATNI USTIDA ISHLASH.....	286
16. Ismoilova Z. CHO’LPONNING TASVIRIY IFODALARDAN FOYDALANISH MAHORATI.....	290
17. Абдурахмонова Б., Юнусова М. ОҒАҲИЙ ҒАЗАЛЛАРИ МАТНИ УСТИДА ИШЛАШ УСУЛЛАРИ.....	292
18. Hazratqulova B. ADABIYOT DARSLARIDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH YO’LLARI („MAHMUDXO’JA BEHBUDIYNING ”PADARKUSH” DRAMASI TAHLILI MISOLIDA).....	297
19. Jumaniyozova M. ADABIYOT DARSLARIDA SAVOL-TOPSHIRIQLAR USTIDA ISHLASH.....	299
20. To’xtaboyeva D. ADABIYOT DARSLARIDA QIZLARGA AXLOQIY TARBIYA BERISH.....	302
21. Saidamatova Z. SINFDAN TASHQARI DARSLARNI TA’LIM INTEGRATSIYASI ASOSIDA TASHKIL QILISH USULLARI.....	304
22. Norboyeva D. YOSH AVLODNI BADIY ADABIYOT O’QISHGA O’RGATISH.....	307
23. Qurbonova F. Murodova G. 3-SINF O’QISH DARSLARIDA XALQ OG’ZAKI IJODI BO’LIMINI O’QITISH USULLARI.....	309
24. G’oziyeva O. TO’GARAK MASHG’ULOTLARIDA ALISHER NAVOIYNING “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONINING TAHLILINI O’TKAZISH METODIKASI.....	312
25. Sotvoldiyeva B. ABDULLA QAHHOR ASARLARIDA TA’LIM - TARBIYA MASALASI	318
26. NABIYEVA N. NAVOIY ASARLARINI O’QITISH MUAMMOLARI.....	320

27.	Qo'shmonova N. ASQAD MUXTORNING "SHERBEKNING ARG'UMOG'I" HIKOYASIDA YOSHLAR TARBIYASI MASALASI.....	323
28.	G'afforov O. ADABIYOT DARSLARIDA MUSTAQILLIK DAVRI ADABIYOTINI O'RGATISH TAJRIBASIDAN.....	325

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
MUQIMIY NOMIDAGI QO'QON
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI



MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY
SPECIALIZED EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
KOKAND STATE PEDAGOGICAL
INSTITUTE NAMED AFTER MUKIMI

Qo'qon davlat pedagogika institutida 2020-yil 25-aprel kuni o'tkazilgan
"Filologiyaning dolzarb masalalari" mavzusidagi Respublika ilmiy-uslubiy
anjumanidagi faol ishtiroki uchun

YULDASHEV SALOHIDDIN AZAMOVICH

SERTIFIKAT

bilan taqdirlanadi.



Rektor

M. Atadjanov